

## **КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ** (фермер ва дөхқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йил 1 январь ҳолатига олинган юридик шахслар сони (*фермер ва дөхқон хўжаликларисиз*) 17753 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 17067 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 96,1 фоизни ташкил қилди.


Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Навоий шаҳрида (25,1 фоиз), Қизилтепа (12,3 фоиз), Кармана (16,0 фоиз) ва Хатирчи (11,8 фоиз) туманлари хиссаларига тўғри келади.

### **Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг худудлар бўйича тақсимланиши (2020 йил 1 январь ҳолатига)**

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
<b>Жами</b>	<b>17753</b>	<b>100,0</b>	<b>17067</b>	<b>100,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Навоий	4463	25,1	4049	23,7
Зарафшон	1410	7,9	1387	8,1
<i>туманлар:</i>				
Конимех	635	3,6	628	3,7
Қизилтепа	2192	12,4	2160	12,7
Навбаҳор	1696	9,6	1662	9,7
Кармана	2846	16,0	2748	16,1
Нурота	1355	7,6	1339	7,9
Томди	297	1,7	295	1,7
Учқудук	757	4,3	734	4,3

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
Хатирчи	2102	11,8	2065	12,1

Рўйхатдан ўтган субъектларнинг ҳудудлар бўйича улуси, (% да)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 29,6 фоиз), саноат (16,6 фоиз), қурилиш (8,6 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (10,5 фоиз) соҳаларига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**  
(2020 йил 1 январь ҳолатига)


	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
<b>Жами</b>	<b>17753</b>	<b>100,0</b>	<b>17067</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>				
кишлoк, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1865	10,5	1813	10,6
саноат	2949	16,6	2833	16,6
курилиш	1518	8,6	1439	8,4
савдо	5248	29,6	5106	29,9
ташиб ва сақлаш	568	3,2	536	3,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1257	7,1	1178	6,9
ахборот ва алоқа	202	1,1	188	1,1
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	265	1,5	262	1,6
бошқа турлари	3881	21,8	3712	21,8

**Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, (% да)  
(2020 йил 1 январь ҳолатига)**



Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 96,1 фоизни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 3,9 фоизни ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

**Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият  
кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуси, (% да)**




2020 йил 1 январь ҳолатига 14955 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 4557 та, оиласвий корхоналар – 2933 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 7249 та, акциядорлик жамиятлари – 19 тани ва 197 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.



**Фаолият қўрсатаётган юридик шахслар-хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий- ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, бирликда**

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида жами 7295 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 3,6 баробар кўпроқ бўлиб, янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Навоий шаҳри (1344 та), Хатирчи (1067 та), Кизилтепа (1034 та), Кармана (973 та) туманларига тўғри келади. Энг ками эса Томди (121 та), Конимех (310 та), Учкудуқ (414 та) туманларига тўғри келади.

**Худудлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг сони, бирликда**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши савдода 44,5 фоиз, саноатда 19,4 фоиз, курилишда 5,5 фоиз ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 9,9 фоизни ташкил этди.

## **Иқтисодий фаолият турларида янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши, % да**

2020 йил 1 январь ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 14885 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 63,5 фоизга ошган.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 3513 таси (жами субъектларнинг 23,6 фоизи) Навоий шахри, 2494 таси (16,8 фоизи) Кармана, 1917 таси (12,9 фоизи) Қизилтепа, 1752 таси (11,8 фоизи) Хатирчи ҳамда 1463 таси (9,8 фоизи) Навбаҳор туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 221 таси (1,5 фоизи) Томди, 499 таси (3,4 фоизи) Конимех, 621 таси (4,2 фоизи) Учқудук туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

### **Рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари (фермер ва дехқон ҳўжасаликларисиз) (2020 йил 1 январь ҳолатига)**

	Жами	1000 киши хисобига ХЮС сони	Фаолият юритаётган ХЮС сони	1000 киши хисобига ХЮС сони	Фаолият юритмаётган ХЮС сони	1000 киши хисобига ХЮС сони	2019 йил январь- декабрда янгидан ташкил этилган	1000 киши хисобига ХЮС сони	2019 йил январь- декабрда фаолияти тизгатилган	1000 киши хисобига ХЮС сони
Жами	<b>15511</b>	<b>15,6</b>	<b>14885</b>	<b>14,9</b>	<b>626</b>	<b>0,6</b>	<b>7129</b>	<b>7,1</b>	<b>790</b>	<b>0,8</b>
Навоий	3889	27,0	3513	24,4	376	2,6	1290	9,0	198	1,4
Зарафшон	1273	15,2	1254	15,0	19	0,2	796	9,5	106	1,3
Кармана	2588	20,6	2494	19,8	94	0,7	955	7,6	73	0,6
Конимех	506	14,3	499	14,1	7	0,2	301	8,5	38	1,1
Қизилтепа	1942	12,8	1917	12,6	25	0,2	1014	6,7	75	0,5
Навбаҳор	1494	13,2	1463	13,0	31	0,3	714	6,3	37	0,3
Нурота	1167	12,6	1151	12,4	16	0,2	482	5,2	79	0,9

	Жами	1000 киши хисобига ХЮС сони	Фаолият юритаётган	1000 киши хисобига ХЮС сони	Фаолият юритмаётган	1000 киши хисобига ХЮС сони	2019 йил январь-декабрда янгидан ташкил этилиган	1000 киши хисобига ХЮС сони	2019 йил январь-декабрда фаолияти тухтагалилан	1000 киши хисобига ХЮС сони
Томди	222	15,1	221	15,0	1	0,1	118	8,0	20	1,4
Учқудук	644	17,3	621	16,7	23	0,6	403	10,8	68	1,8
Хатирчи	1786	9,0	1752	8,8	34	0,2	1056	5,3	96	0,5

**Фаолият қўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг  
худудлар бўйича сони**

	2019 йил 1 январь ҳолатига		2020 йил 1 январь ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан, % да	бирлик	жамига нисбатан, % да
<b>Жами</b>	<b>9104</b>	<b>100,0</b>	<b>14885</b>	<b>100,0</b>
Навоий	2806	30,8	3513	23,6
Зарафшон	589	6,5	1254	8,4
Конимех	227	2,5	499	3,3
Қизилтепа	1004	11,0	1917	12,9
Навбахор	799	8,8	1463	9,8
Кармана	1679	18,4	2494	16,8
Нурота	761	8,4	1151	7,7
Томди	113	1,2	221	1,5
Учқудук	310	3,4	621	4,2
Хатирчи	816	9,0	1752	11,8

Фаолият кўрсатаётган жами 14885 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 5095 таси (34,2 фоизи) – савдода, 2805 таси (18,8 фоизи) - саноатда, 1780 таси (12,0 фоизи) - кишлоп, ўрмон ва балиқ хўжалигига, 1436 таси (9,6 фоизи) - қурилишда, 1176 таси (7,9 фоизи) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 526 таси (3,5 фоизи) - ташиш ва саклашда, 202 таси (1,4 фоизи) - соғлиқни саклаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишида, 178 таси (1,2 фоизи) - ахборот ва алоқа соҳасида, шунингдек 1687 таси (11,4 фоизи) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келди.




## **Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, (% да)**

2020 йил 1 январь ҳолатига Зарафшон шаҳрида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонида фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 1,5 фоизни (19 та), Навбаҳор туманида эса рўйхатдан ўтганларнинг жами сонида 2,1 фоизни (31 та), Нурота 1,4 фоизни (16 та), Учкудук 3,6 фоизни (23 та), Конимех 1,4 фоизни (7 та), ва Томди тумани 0,5 фоизни (1 та) ташкил қилган.

Ҳисобот даврида 790 та кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 144 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 18,2 фоиз) ихтиёрий тугатиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар.** 2020 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 209 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100 тага ёки 191,7 фоизга (1,9 марта) ўсган. Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 131 таси қўшма корхоналар, 78 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

### **Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналарнинг сони, бирликда**



Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий шаҳри 73 та (34,9 фоиз) ва Кармана 52 та (24,9 фоиз) тумани ҳиссаларига тўғри келади.

Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Томди 7 та (3,3 фоиз), Конимех 6 та (2,9 фоиз), Навбаҳор 7 та (3,3 фоиз), Учқудук 9 та (4,3 фоиз) ва Қизилтепа 12 та (5,7 фоиз) туманларига тўғри келди.

**Фаолият қўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги  
корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши  
(2020 йил 1 январь ҳолатига)**

	бирлик	Жамига нисбатан, % да
<b>Жами</b>	<b>209</b>	<b>100,0</b>
Навоий	73	34,9
Зарафшон	15	7,2
Конимех	6	2,9
Қизилтепа	12	5,7
Навбаҳор	7	3,3
Кармана	52	24,9
Нурота	20	9,6
Томди	7	3,4
Учқудук	8	3,8
Хатирчи	9	4,3

Фаолият қўрсатаётган 209 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 126 таси (60,3 фоиз) саноат, 18 таси (8,6 фоиз) савдо, 32 таси (15,3 фоиз) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 3 таси (1,4 фоиз) ташиб ва сақлаш, 11 таси (5,3 фоиз) қурилишда, 4 таси (1,9 фоиз) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 1 таси (0,5 фоиз) Ахборот ва алоқа, 1 таси (0,5 фоиз) Соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар қўрсатиш, 13 таси (6,2 фоиз) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши  
(2020 йил 1 январь ҳолатига)**

	бирлик	Жамига нисбатан, % да
<b>Жами</b>	<b>209</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Саноат	126	60,3
кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиги	32	15,3
қурилиш	11	5,3
савдо	18	8,6
ташиш ва сақлаш	3	1,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	4	1,9
Ахборот ва алоқа	1	0,5
Соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1	0,5
бошқа турлари	13	6,2

2019 йилнинг январь-декабрь ойида хорижий капитал иштироқидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 102 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 54 тага кўпайган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштироқида – 17 та, Хитой Xалқ Республикаси - 18 та, Эрон Ислом Республикаси – 19 та, Корея Республикаси - 4 та, Индонезия Республикаси – 1 та, Ҳиндистон Республикаси - 9 та, Тожигистон - 2 та, Туркия - 6 та, Туркманистон – 2 та, Туркия – 6 та, Афғонистон – 2 та, Австралия- 2 та, Венгрия – 2 та, Озарбайжон – 1 та, Бразилия – 1 та, Германия – 1 та, Қириғизистон – 1 та, Америка Кўшма штатлари – 3 та, Қозоғистон Республикаси – 5 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

102 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий (31 та) ва Зарафшон (7 та) шаҳарларида, Кармана тумани (26 та), Қизилтепа (5 та), Навбаҳор (3 та), Конимех (2 та), Томди (5 та), Учқудук (7 та), Хатирчи (5 та) ва Нурота (11 та) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги  
корхоналарнинг худудлар кесимидағи сони ва улуши**

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан, % да</i>
<b>Жами</b>	<b>102</b>	<b>100,0</b>
Навоий	31	30,4
<b>Зарафшон</b>	<b>7</b>	<b>6,9</b>
Конимек	2	1,9
<b>Қизилтепа</b>	<b>5</b>	<b>4,9</b>
Навбаҳор	3	2,9
<b>Кармана</b>	<b>26</b>	<b>25,5</b>
Нурота	11	10,8
<b>Томди</b>	<b>5</b>	<b>4,9</b>
Учкудуқ	7	6,9
<b>Хатирчи</b>	<b>5</b>	<b>4,9</b>

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 63 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 14 та, савдода 5 та, Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 2 та, ташиб ва сақлашда 1 та, Ахборот ва алоқада 1 та, курилишда 7 та, Соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 1 та ва бошқа фаолият турларида 8 та ташкил этилган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда**



2020 йил 1 январь ҳолатига 5 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмаётган корхоналар ҳисобланиб, шундан Навоий шахри (3 та), Навбаҳор тумани (1 та) ва Томди тумани (1 та) ҳиссасига тўғри келди.

**Оиласиий корхоналар.** Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оиласиий корхоналар сони - 2020 йил 1 январь ҳолатига 2979 тани ташкил этиб, улардан 2933 таси ёки 98,5 фоиз фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сонига нисбатан ўртача 4,1 марта ошганлигини тъқидлаш лозим.

**Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда**

